

➤ 2016 йил — соғлом она ва бола йили

Ўзини юрт тақдирига дахлдор деб билган киши борки, унинг равнақиға ҳисса қўшишга интилади. Жумладан, Ўзбекистон "Адолат" СДП фаоллари ҳам эзгу ишларда ўрнатқўрсатмоқдалар. Партия ташкилотлари ташаббуси билан жойларда тадбирлар ташкил этилиб, чорак аср давомида қилинган улуғвор ишлар, ислохотлар самараси аҳолига кенг тушунтириляпти.

Қарши шаҳрида ўтказилган тадбирда ҳам шулар хусусида фикр-мулоҳаза юритилди. "Соғлом фарзанд — порлоқ келажак" мавзусидаги ушбу тадбир партиянинг "Соғлом оила — соғлом жамият — порлоқ келажак" лойиҳаси доирасида вилоят ва шаҳар партия кенгашлари томонидан ташкил этилди.



СОҒЛОМ оила — жамият пойдевори

Унда маҳаллий Кенгаш депутатлари, тиббиёт ходимлари, "Роғузар", "Самарқанд", "Боғи шамол", "Беклар" "Ойдин" "Қунчиқар" маҳаллалари етакчилари, партия фаоллари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Вилоят партия кенгаши раиси вазифасини бажарувчи Рўйиддин Раупов, шифокор Муҳиддин Окназаров, халқ депутатлари Қарши шаҳар Кенгаши депутати Акмал Бобоев, партия фаоллари Валерий Левин, Ҳамроқул Бобоқулов, Фаррух Иззатуллаевлар ҳам тадбирда сўзга чиқиб, муваққил йилларидаги ислохотлар самаралари, аҳолининг саломатлигини мустаҳкамлаш,

соғлом авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самардорлигини ошириш борасида вилоятда амалга ошириляётган ишлар хусусида тўхталдилар. Шунингдек, соғлом турмуш тарзи, оила қонунчилигида никоҳнинг роли, соғлом авлодни вояга етказиш учун нималарга эътибор қаратиш лозимлиги юзасидан фикр-мулоҳаза юритдилар.

Тиббиёт ходимларининг фаоллиги, кенг жамоатчилик орасига кириб бораётган натижада аҳолининг тиббий садовхонлиги муттасил ўсиб бормоқда, — деди шаҳардаги 1-поликлиника бош шифокори Жўрамурод Эшимов. — Тиббиёт

ходимларидан иборат фаолларимиз партияимиз дастуридан келиб чиқиб, аҳолининг тиббий маданиятини юксалтириш, аёллар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган ишлари билан бир қаторда жойларда ўтказиляётган давра суҳбатлари ҳамда учрашувларда аҳоли соғлигини асраб-авайлаш, бунда ҳар бир оила аъзосининг ўз ўрни борлиги, соғлом оила — соғлом жамият пойдевори экани ҳақида батафсил сўз юритилмоқда. Масалан, шаҳардаги "Қунчиқар" маҳалласининг партияимизнинг "Соғлом оила — соғлом жамият — порлоқ келажак" лойиҳасига мувофиқ "Соғлом турмуш тарзида риоя қилайлик" мав-

зусида ўтказилган тадбиримиз кўпчилиқда кизиқиш уйғотиб, оилаларда соғлом турмуш тарзини мустаҳкамлашга хизмат қилди.

Партия фаоли, банк коллежи ўқитувчиси Зебо Эргашева ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, уларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш мақсадида таълим даргоҳлари, маҳаллалар билан ҳамкорликда маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этиб келинаётгани хусусида тўхтади.

"Оилада ота-она ва фарзандларнинг бурч ва масъулияти", "Болалар тарбиясида салбий таъсир қилувчи омилларнинг олдини олиш", "Она ва бола саломатлиги — келажак гарови", "Оилада маънавий му-

хит — оила мустаҳкамлигининг омили" мавзусидаги давра суҳбатлари ва учрашувларда мутахассислар жалб этиляётганлиги тадбирларнинг таъсирчанлигини ошироқда, фуқаролар ўзларини қизиқтирган саволларга аниқ ва асосли жавоблар олишляпти, — деди Зебо Эргашева.

Тадбирда маҳаллалар, таълим муассасалари ва оилалар ҳамкорлигини кучайтириш зарурлиги таъкидланди. Воҳанинг барча туманларида партия ташкилотлари томонидан бу каби тарғибот-ташвиқот тадбирлари мунтазам равишда ташкил этилмоқда.

Комил САХАТОВ, "Adolat" мухбири

➤ КЎРГАЗМА

Наманган давлат университети профессор-ўқитувчилари ва талабалари кейинги йилларда турли йўналишларда халқаро ҳамкорликни тобора кенгайтирмоқдалар.

Университетлар ҳамкорлиги

Шу йил 11-17 март кунлари мазкур олий ўқув юртининг вакиллари билан бир гуруҳи Германия Федератив Республикасининг Фленсбург шаҳридаги Европа университети ташкил этган «Миллий хунармандчилик воситасида миллатлараро мулоқотни ривожлантириш» мавзусидаги семинар-тренингда қатнашиб келдилар. Ушбу тадбирда Туркиядаги Мимар Синан Гўзал санъатлар университети вакиллари ҳам иштирок этишди.

Яқинда юқорида тилга олинган семинар-тренингнинг кейинги босқичи Наманганда давом эттирилди, — дейди НамДУ ректори, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги "Адолат" СДП гуруҳи аъзоси Абдусалом Умаров. — Мазкур тадбирда ҳам жун толали матолардан ишланган буюмлардан маҳаллий истеъмолчилар учун тайёрланган маҳсулотлар мисолида миллий хунармандчиликка доир масалалар ўрганилди. Шу муносабат билан ўқув юртимизнинг кўرғазмалар залида "Миллий хунармандчилик воситасида миллатлараро мулоқотни ривожлантириш" мавзусидаги халқаро лойиҳа доирасида бажарилган ишлардан ташкил топган кўрғазма очилди. Унда бизнинг вакилларимиздан ташқари Фленсбург шаҳрининг Европа университети, Дрезден амалий фаилар университети ҳамда Истамбул шаҳридаги Мимар Синан Гўзал санъатлар университети профессорлари ва талабалари ҳам ўз ижод намуналари билан иштирок этишди.

Кўрғазманинг тақдирот маросими НамДУнинг мажлислар залида бўлиб ўтди. Германиядаги Фленсбург Европа университети профессори Норберт Шутти, Дрезден амалий фаилар университети профессори Ирина Хундт самимий тилаклар билдириб, бундай халқаро лойиҳаларнинг катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидладилар. Мимар Синан Гўзал санъатлар университети профессори Кемал Кан эса ўз сўзида ўзаро маданиятлараро алоқалар мустаҳкамланиб бораётганини, бу НамДУ билан ҳамкорликда ҳам ўз ифодасини топаётганидан мамнулигини кайд этди.

Ушбу кўрғазмада НамДУ касб таълими кафедраси профессор-ўқитувчиларидан Хусниддин Акрамов, Жамила Муҳиддинова, Анваржон Сайфидинов, Абдурахим Матқариев, амалий санъат кафедраси магистрларидан Нодирбек Суяров, Муҳиддин Шарифжонов, инглиз тили кафедраси ўқитувчиси Дилрабо Маматованинг ижод намуналари намойиш этилди.

Шунингдек, "Миллий хунармандчилик воситасида миллатлараро мулоқотни ривожлантириш" мавзусидаги халқаро лойиҳа доирасида бажарилган ишлар натижаси сифатида каталог тайёрланди ва иштирокчиларга тақдим этилди.

Нурбек АБДУЛЛАЕВ, "Adolat" мухбири

Электоратнинг таклиф ва мулоҳазалари фаол ишлашга чорлайди

➤ ДЕПУТАТ АРАЛАШГАЧ

Ҳар бир ҳудудда қонун устуворлигининг таъминланишида халқнинг ишончли вакиллари — депутатларнинг ўз ўрни, масъулиги бор. Буни чуқур англаган халқ депутатлари Урганч шаҳар Кенгашидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП депутатлик гуруҳи аъзолари қонунлар, фармон ва қарорлар, давлат дастурларининг жойларда талаб даражасида ижро этилишига муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар. Хусусан, депутатлик гуруҳи аъзоси Тоҳиржон Полвонов сайловчилар олдида ҳисобдорлик масъулиятини ҳис этган ҳолда электорат билан яқиндан иш олиб бормоқда.

Фуқароларни ўйлантираётган саволлар, уларнинг муноволини "Хоразм автоўй" ҳудудий йўллардан фойдаланиш ташкилоти раҳбари ношу аснода эришилган натижалар ҳудуд аҳолисининг фаровонлиги, турмуш тарзининг янада яхшиланиши, ободликка хизмат қилиши тайин.

"Наврўз" маҳалласида яшовчи Нигора Абдушарипованинг ариза-сига мувофиқ, 95 ёшли Ражаб ота Бекиев нафақасининг миқдорини кайта кўриб чиқиш юзасидан депутат вилоят Бош тиббий меҳнат экспертиза комиссияси бошлиғи номига депутатлик сўрови киритган эди. Тез орада мазкур комиссия бу масалани ўрганиб чиқди ва натижада нафақа миқдори оширилди.

Шунингдек, ушбу маҳалладаги айрим ички йўллар таъмирталабига шиддатлар ва транспорт катнови учун муаммолар пайдо бўляётгани ҳақида сайловчилар депутат-

га муурожаат қилишди. Шу масала юзасидан Т.Полвоновнинг "Хоразм автоўй" ҳудудий йўллардан фойдаланиш ташкилоти раҳбари но-



мига киритган депутатлик сўровига асосан "Наврўз" маҳалласидаги "Навбахор" кўчасининг 1.5 километр узунлиқдаги қисми капитал таъмирланди. "Наврўз" маҳалласининг "Қорақум" кўчасидаги ичимлик суви қувурларининг зарур қисмларида олиб борилган таъмирлаш ишлари ҳам депутатнинг ташаббуси билан амалга ошди. Т.Полвоновнинг депутатлик

сўровига мувофиқ ушбу масала "Туямўйин — Урганч" минтақалараро сув қувурларидан фойдаланиш бошқармаси томонидан 2016 йилги манзилли дастурга киритилган эди. Айни пайтда "Қорақум", "Нурли ҳаёт" кўчаларининг 400 метр узунлиқдаги, "Ободончи" кўчасининг 1 километргача бўлган қисмида сув қувурлари ётқизиilib, маҳалла ахли тоза ичимлик суви билан таъминланди.

Депутатнинг ташаббуси билан маҳалла фаоллари ҳамкорлигида уруш ва меҳнат фахрийлари, ҳудуддаги кам таъминланган, яқка ёлғиз, боқувчисини йўқотган кишилар ҳолидан хабар олишдек хайрли ишлар қилинмоқда. Депутат ва туман партия кенгаши, "Зиёкор" маҳалласи фаоллари билан ҳам жиҳатлиқда, хомийлар кўмагида меҳнат фахрийси Шукуржон ая Одамбоева, Ровияжон Саидова, Ражаббой ота Бекиевлар, афғон уруши қатнашчиси Одибек Машиарипов ва бошқа эҳтиёманд кишиларни йўқлаб, уларга ёрдам кўрсатилди. Бундай эзгу ишлардан мамнун бўляётган маҳалладошларнинг фикрича, депутатнинг юксак инсоний фазилатларга эга бўлиши ҳам уни эл ҳурматиға сазовор қилди.

Замира АБДУЛЛАЕВА, Хоразм вилоят кенгаши матбуот котиби

Фаолликка ундайди

➤ ФИКР

Онам анча йиллардан буён Ўзбекистон "Адолат" СДП аъзоси. Оиламизда доим мамлакатимизда олиб бориляётган сиёсат, партияларнинг фаолияти ҳақида кўп гапирилади.

Маълумки, белгиланган меъёрларга кўра, партия сафига 18 ёшдан қабул қилинади, шу боис бир кун онамдан нега партия сафига киришимга қизиқмаётганини сўрадим. Ахир ёшим 19 эди-да. Шунда онам "Ўғлим, партия сафига мажбуран киритиб бўлмайди. Буни ўзинг исташинг керак", — дедилар. Яна:

— Ўзбекистонда тўртта партия фаолият юротади. Уларнинг мақсадлари, қимларнинг манфаатларини ҳимоя қилишлари, электроталари, айниқса, Сайловоди дастурларидаги вазифалар билан бир-бирдан фарқ қилади. Аввало, тўртта партиянинг фаолияти билан танишиб чиқ. Ҳаётини принципига, дунёқарашинг, олдинга қўйган мақсадларингга қараб партия танлашинг керак, — деб тушунтирдилар.

Эртаси кун тўртта партия ташкилотларига бориб, ҳар бирининг Сайловоди дастури ва уставини олдим. Бир ой чамаси, уларни ўқиб чиқдим. Тўғриси айтсам, чуқур тушуна олмадим. Шунда яна онам ёнимга келиб, ҳар бир партиянинг мақсади ва вазифалари тўғрисида мисоллар билан тушунтириб берди. Мен онамдан эшитганларимни курсдош ўртоқларимга сўзлаб бердим. Ниҳоят, 2011 йилда уч ўртоқ Ўзбекистон "Адолат" СДП сафига кириш учун ариза бердик.

Бу кунни ҳеч ҳам унутма олмайман. Бизни икки кундан кейин ўтказилядиган вилоят партия кенгашининг навбатдаги Пленумига таклиф этишди. Уч ўртоқ оқ кўйлак кийиб, йиғилишга бордик. Йиғилиш фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ҳудудий бўлими мажлислар залида ташкил этилди. Зал тўла иштирокчилар. Ташкилот раҳбарлари, депутатлар, партия ходимлари олдида тортишиб, озгина ҳаяжонланиб қолдик. Пленум жуда жиддий ва қатъий тадбир экан. Тадбир сўнггида партиянинг вилоят кенгаши раиси А.Турсунов партия сафига қабул қилинаётган янги аъзоларни бирма-бир қақчириб, кўлига партия билетини топишди. Мени қақчиришда юрагим гупиллаб уриб кетди. Наҳотки мен ҳам мана шундай катта катта инсонларга ўхшаб партия сафига қабул қилинаяман, деган савол ҳаёлимдан ўтди. Пленум иштирокчилари бизни табриқлашди. Партия сафларида бўлиш инсонга катта масъулият юклашини айтишди. Бу тадбир бир неча марта маҳаллий телевидение орқали намойиш этилди. Ўртоқларимнинг бизга ҳаваси келди.

Бироз аввал "Нега бу партияни танлагансиз?" — деб сўраганимда онам:

— Ҳаётимда доим адолатли бўлишга ҳаракат қилмадим. Чунки мени ота-онам шундай тарбиялаган. Шу билан бирга, бу партиянинг мақсади, ўз олдиға қўйган вазифалари менинг ҳаёт йўлимга ва режаларимга жуда мос келади, — деганди.

Ўйлаб кўрсам, мен ҳам дунёда доим адолат бўлишини истайман. Шу сабабли Ўзбекистон "Адолат" СДП сафига кирдим. Мана олти йилдирки, маслаҳодларим билан бир сафдам. Тадбирларда, учрашувларда иштирок этман. Айниқса, ёшлар билан ташкил этилядиган учрашувлар менга куч бағишляпти. Учрашувларда қандай қилиб ҳаётини тўлиқ, кўзлаган мақсадларига эришиши, яхши иш ўринларига эга бўлиш ҳақида суҳбатлашамиз, баҳслашамиз. Ёшларнинг тақдирини, ҳаёти бизга жуда муҳим, шу боис эрта турмуш қуришининг салбий оқибатлари, терроризмга қарши кураш, интернетнинг салбий томонлари ҳақида ҳам давра суҳбатлари ташкил этиляди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгаш депутатлари билан учрашувларда қатнашганимдан хурсандман. Бу тадбирларда иштирок этиб, жуда кўп нарсаларни ўргандим. Янги қонунлар, дунё янгиликлари, партия лойиҳалари тўғрисида кўп нарсаларни билиб олдим. Бирга партия сафига кирган дўстим Обиджон вилоят партия кенгашида фаолият юртимокда.

Ўзим эса тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаяман. Масъулиятни чекланган жамият директориман. Тўртта янги иш ўрни ташкил этдик. Яқинда яна 5 та иш ўрни яратишини режалаштираямиз. Қандай қилиб тадбиркор бўлиш ва ҳаётда ўз ўрнини топишни ҳам шу партиянинг тадбирларида қатнашиб ўргандим, десам хато бўлмайди.

Ҳар бир ёш борки, комил инсон, Ватанга, ота-онасига муносиб фарзанд бўлишни орзу қилади. Мен тенгдошларимга Ватанга, ота-онаға муносиб фарзанд бўлиш учун яратиляётган имкониятлардан фойдаланишларини маслаҳат берган бўлар эдим.

Зеро, юртимиздаги бундай кўппартиявийлик, жумладан, менинг "Адолат" га аъзо бўлишим ҳам истиқлол берган имкониятдир.

Умиджон ҲАМДАМОВ, Ўзбекистон "Адолат" СДП аъзоси

Маънавият

инсон қалбини юксалтиради



МУШОҲАДА

Ҳаёт суръати муттасил тезлашиб бораётган, дунёда глобаллашув давом этаётган бугунги мураккаб шароитда маънавий тарбия соҳасида юзага келаётган айрим муаммолар ечимини топиш, хусусан, ёш авлод онгини турли зарарли оқимлар, бузғунчи мафкуралар таъсиридан сақлаш жамият олдида турган бирламчи вазифа бўлиб қолди. Бунда дунё минтақаларида кечаётган мафкуравий жараёнларни тўғри таҳлил қилиш, маъно-моҳиятини тушуниш, одамлар, айниқса, ёшлар онгига таъсирини ўрганиш гоят муҳим. Фақат шу йўл билангина ёшларни ўз фикрига эга, турли маънавий хуружларга қарши тура оладиган, тўғри йўлдан адашмайдиган, имон-эътиқоди мустаҳкам қилиб тарбиялаш мумкин.

Бугунги дунёнинг ўзига хос бир хусусияти шундаки, ривожланган, иқтисоди бақувват давлатлар ҳам, бу йўлга энди-энди кириб келаётган мамлакатлар ҳам ташқи сибасатда, ўзаро ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйишда, энг аввало, ўз манфаатидан келиб чиқади, ҳар бири ўзига мақбул ва фойдали йўлни ахтарди. Бу — табиий, албатта. Аммо йирик давлатлар ўзларининг иқтисодий, мафкуравий ва бошқа стратегик манфаатларини бошқаларникидан устун қўйишлари, мақсадга эришиш учун иккинчи томонга турлича таътир ўтказишлари мумкин. Бунда, айниқса, мафкуравий таътир ҳавфли тус олади. Чунки у кўринмас офат янглиг халқ, миллат ҳаётига аста-секин кириб келади ва чуқур илдириб олади. Иқтисодий тангликни енгиш мумкин, аммо маънавий таназзул оқибатларини тугатиш мураккаб вазифа. Бунинг сабаби, бузғунчи кучлар ўзга бир халқ, миллат маънавиятига қарши кураш бошлар экан, бир қарашда ўта беозор, аммо таътир кучи гоят самарали воситалардан фойдаланади.

Барчамизга аёнки, аждодларимиз асрлар давомида она юртининг гуллаб-яшнашини ороу қилиб келганлар. Бу ороу-умид йўлида жон фидо қилиш-

ган. Ватанни севиш, шу она тупроқ билан фахрланиш, уни асраб-авайлаш, маънавий бойликларини қўпайтириш, тинчлик-товуликда аҳил-иноқ умргузаронлик қилиш шу аждодлардан бизга мерос бўлиб қолган. Улар гарчи жон фидо этиб, озорликни қўлга кирита олмаган бўлсалар-да, халқни халқ, миллатни миллат сифатида тутиб туривчи маънавий-ахлоқий қадриятларини, замонлар синовидан ўтган анъаналаримизни, дину диёнатимизни энг оғир дамларда ҳам асраб келганлар. Мустақилликнинг дастлабки қадамларидаёқ бу улғун неъматларга қайта жон ато этиш, уларни умумбаъшарий қадриятларга уйғун ҳолда бойитиб, келгуси авлодларга бус-бутун етказиш маънавият соҳасидаги энг муҳим вазифа экани уқдирилиб, бу борадаги вазифалар аниқ белгилаб берилди. Халқни буюк келажак ва улғувор мақсадлар сари бирлаштириш, мамлакатимизда яшайдиган, миллати, тили, динидан қатъи назар, ҳар бир фуқаронини ягона Ватан бахт-саодати учун масъулият сезиб яшашга чорлаш, юксак фазилатли ва қомил инсонларни тарбиялаш, шу муқаддас замин учун фидойиликни ҳаёт мезонига айлантириш — миллий истиқлол ғоясининг бош мақсадларига айланди.

Бугун инсон тафаккури махсули, илм-фан таракқиети натижалари бўлиши компьютерлар, интернет ва бошқа замонавий алоқа воситалари ҳаётимизга чуқур кириб бормоқда. Таъбир жоиз бўлса, бу ютуқлар, аввало, инсоннинг ўзи билан, унинг ақл-заковати билан бахшлашмоқда. Интернет орқали биз олис минтақаларда бўлаётган энг сўнгги воқеалар, ҳодисалар, оламшумул янгиликлардан муттасил хабардор бўлиб турибмиз. Дунёнинг энг чеккасида содир этилган воқеа, айтилган бир гап шу онинг ўзидаёқ бутун ер юзига тарқалмоқда. Космосга учирилган сунъий йўлдошлардаги аппаратлар фазонинг энг олис нуқталаридаги юлдузлар, юлдузсимон жисмлар, метеоритлар қандай траектория бўйлаб ҳаракат қилишарини, қайсилари Ерга яқинлашаётганини, Қуёш системасидан ташқарида қандай жараёнлар содир бўлаётганини зукколик билан кузатиб туришибди. Ахборот технологиясининг бу оламшумул даражаси таракқиётга хизмат қилаётганини рад этиш қийин. Аммо ҳар қандай таракқиёт, энг аввало, инсон манфатларига мос келиши, одамларнинг турмуш тарзини яхшилаши, муаммоларини ҳал қилиши, мушкулликларини осонлаштириши керак.

Афсуски, интернетдек буюк ихтиро саҳифалари қон тўкишлик, шарм-ҳаёсизлик, зўравонлик, босқинчи ва талончилик каби иллатлар билан тўлиб-тошиб кетган. Матбуот хабарларига қараганда, бу тизимда ёшларни ўз жонига, бошқа гуноҳсиз одамлар ҳаётига қандай қасд қилишни, одам савдоси ва гиёҳванд моддалар савдосини қандай йўлга қўйиш мумкинлигини ўргатувчи, бемисл фаровон ҳаёт ваъда қилиб, масалан, бир кунда, бир неча соат ичида бойиб кетиш, миллионерга айланиш "сир"ларини қўз-қўз қилиб, соддаларни кўринмас ва кутулди бўлмас қабоҳат тузониға илти-



рувчи қўлаб сайтлар бор экан.

Бундан англашиладиган хулоса шунки, ёшлар интернетнинг чексиз фойдали имкониятлари билан бирга, унинг воситасида дунёга тарқалаётган чалғитувчи, йўлдан оздирувчи ғаразли даъватлар, кутилмаган "илтифот"лар тағ-заминидаги мақсад муддаони яхши тушуниб олишлари, яъни оқни қорадан, ҳақиқатни тухмадан, зағуликни разилдан фарқлай олишлари лозим. Гап шундаки, ҳали дунёқароши тўла шаклланмаган, ҳаётий тажрибаси етарли бўлмаган ёшлар қўзига ҳамма нарса ибратли, фусункор бўлиб кўринади. Янглишганларини англаганларида эса, вақт ўтган, умрининг неча йиллари беҳуда соврулган, бахтли тақдир эшиклари ёпилган бўлади.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик ва тотуллиққа қилingan қўлаб хуружлар мисолида айтишимиз мумкинки, ёвуз ниётли кучлар, энг аввало, баълоғат остонасида турган ёшларни нишонга олади. Чунки улар ҳали бўйи чўзилмаган, илдири нижон ниҳол қаби, ким қайси томонга қараб бурса, ўша томонга қараб ойнашлари мумкин. Зиммаларга ёшлар билан ишлаш масъулият юклатилган маънавий тарбиячилари мана шу ҳолатни ҳам шунга даъват этиши бугунги кунимизнинг баъоят муҳим талабидир.

Дунёда табиий бойликлар бехисоб бўлган мамлакатлар ҳам бор. Аммо чинакам роҳат-фароғатга, ижтимоий адолат ва маънавий қомилликка бири-

на бойлик билан эришиб бўлмайди. Ҳаётда инсоннинг қалби, маънавий олами, имон-эътиқоди, инсоф-диёнати деган тушунчалар ҳам борки, улар олдида беҳисоб кучқудрат, бойлик гоҳо ожиз қолади.

Маънавият миллий ўзлигини англашда муҳим ва ҳал қилувчи куч, ҳар қайси миллат ёки халқнинг маънавияти унинг бугунги ҳаёти ва тақдирини, ўсиб келаётган фарзандларининг келажagini белгилашда бекиёс аҳамият касб этади. Демакки, миллий маънавиятга қарши қаратилган ҳар қандай ҳаракат ёки таҳдид, энг аввало, у ёки бу мамлакатнинг ҳавфсизлиги ва яхлитлигига, шу заминда яшаётган турли миллат ва элаларнинг тинч ҳаёти, аҳил-иноқлигига раҳна солуви таҳдид эканлиги исбот талаб этмайдиган ҳақиқатдир.

Истиқлол йилларида бундай хуружларга қўп бор дуч келдик ва, сир эмаски, бундай уринишлар хозир ҳам йўқ эмас. Беарволик, ўринсиз хотиржамлик бонс, бундай уринишларнинг иштирокчиси бўлиб қолиш ҳам ҳеч гап эмас. Ўйлаб-нетмай дуч келган одамнинг этагидан тутиб кетаётган, одоб-ахлоқимизга, маънавиятимизга ёт нарсаларни фарқламай қабул қилаётган, ўзимизнинг минг йилликлар синовидан ўтган қадриятларимиз қолиб, бошқаларнинг сохта қадриятларига ҳавас қилаётган айрим ёшларимиз йўқ эмас.

Маънавий қадриятлар инсоннинг руҳий олами, тарбияси, қомиллик сари интилиши, одоб-ахлоқи, ўзи мансуб бўлган миллат тарихи ва урф-одатларига муносабатини кўрсатувчи ўзига хос кўзгудир. Маънавиятнинг енгишмас куч эканлиги шунда. Зеро, руҳий олами пок, ўзини, ўзларини тегиз осланган, келажакка ишончи мустаҳкам, имон-эътиқоди бутун, фикри соғлом кишига ҳеч қандай ташқи куч ўз таъсирини ўтказма олмайди.

М.АҲМАДЖОНОВ

— Яқинда бир қўшим пенсионерларга мол-мулк солиғи тўлашда имтиёз борлиғи ҳақида айтиб қолди. Мол-мулк солиғи ва пенсионерларга қўлланиладиган солиқ имтиёзи ҳақида батафсил маълумот берсангиз.

С.Донишев, Сурхондарё вилояти

— Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 272 ва 287-моддаларига асосан, эгалигида солиқ солинадиган мол-мулк ҳақда ер участкалари бўлган жисмоний шахслар мол-мулк ва ер солиғи тўловчилари ҳисобланади. Бунда, агар қўчмас мулк мулкдорининг жойлашган ерини аниқлаш имкони бўлмаса, бу мол-мулк қайси шахснинг эгалигида ва (ёки) фойдаланишида бўлса, ўша шахс солиқ тўловчидир.

Шунингдек, ушбу кодекснинг 273 ва 288-моддаларига мувофиқ солиқ солиш объектларига жисмоний шахс эгалигидаги уй-жойлар, квартиралар, дала ҳовли иморатлари, гаражлар ва бошқа иморатлар, жойлар, ишоотлар ҳамда қонунчиликда белгиланган тартибда берилган ер участкалари қиради.

Солиқ кодексининг 275-моддасига мувофиқ пенсионерларнинг мулкда бўлган мол-мулкка қонун ҳужжатларида белгиланган солиқ солинмайдиган майдон ўлчами доирасида (60 кв.метр) мол-мулк солигидан озод этилганлар. Мазкур имтиёз пенсия гувоҳномаси асосида берилди.

Шу ўринда қайд этиш жоизки, мазкур кодекснинг 290-моддасига мувофиқ ёлғиз пенсионерлар ер солигидан тўлиқ озод қилинадилар. Ёлғиз ёки вожага етмаган болалари билан ёхуд ноэрон боласи билан алоҳида уйда бира яшовчи пенсионерлар ёлғиз пенсионерлар деб тушунилади.

Мазкур имтиёз пенсия гувоҳномаси ёки Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиғи ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамаармаси туман (шаҳар) бўлимининг маълумотномаси, шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг маълумотномаси асосида берилди.

Бунда, солиқ солинмайдиган энг кам миқдор суммасини аниқлаш учун мол-мулкнинг умумий инвентаризация қиймати мол-мулк майдонининг умумий миқдорига бўлинадиган ва 60 кв.метрга қўпайтирилади. Олинган натижа мол-мулкнинг умумий инвентаризация қиймати билан таққосланади.

Масалан, мулкий ҳуқуқ асосида пенсионерга тегишли бўлган мол-мулкнинг умумий инвентаризация қиймати 4 750 000 сўмини ташкил этади, мол-мулк умумий майдонининг миқдори — 200 кв.метр, бу ҳолда бюджетга тўланадиган солиқ суммаси:

{4750000-(4750000/200*60)*1,5%=49875 сўмини ташкил этади.

Ушбу имтиёз мулкдорнинг таълиғига биноан фақат бир мол-мулк объектига таълуқли бўлиб, жисмоний шахсларнинг мулкда бўлган яшаш учун мўлжалланмаган жойлар ҳамда улар эгаллаган ер участкалари бўйича жисмоний шахсларнинг мол-мулк ва ер солиқлари юридик шахслар учун белгиланган ставка бўйича ундирилади ҳамда белгиланган имтиёзлар ушбу объектларга нисбатан таътир этилмайди.

Шунингдек, мол-мулк солигидан имтиёз мулкдорга ҳамда ер солигидан имтиёз яқка тартибдаги уй-жой қурилиши, беҳқон ҳўжализи юритиш учун берилган ер участкаларига бўлган ҳуқуқларини давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширувчи органда рўйхатдан ўтган жисмоний шахсларга берилди.

Бошқача айтганда, мулк қийматини номида бўлса, ўша шахсга имтиёз қўлланилади. Бундан ташқари, имтиёз ҳуқуқига эга фуқаролар солиқ объекти жойлашган жойдаги туман (шаҳар) давлат солиқ инспекциясига имтиёз ҳуқуқини берувчи ҳужжатни мустақил равишда тақдим этишлари лозим.

Саволга Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Ахборот хизмати раҳбари Музаффар НАЗАРОВ жавоб берди.

Ёшлар доимий эътиборда

“АЁЛЛАР ҚАНОТИ” ФАОЛИЯТИДАН

Ўзбекистон “Адолат” СДП Андижон вилоят кенгаши “Аёллар қаноти” томонидан оилани мустаҳкамлаш, эрта турмуш қуришнинг олдини олиш ва бу борада жамоатчилик назоратини ўрнатишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Партия фаоллари, маҳаллий Кенгаш депутатлари, маҳалла фаоллари, ҳуқуқшунослар ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирокида “Эрта турмушга қаршимиз” мавзусида ўтказилган давра суҳбатиди шу ҳақда фикр алмашилди.

Иштирокчилар эътироф этганидек, ёшлар ҳар жиҳатдан оилага тайёр бўлиши, унинг муқаддаслиги ва оилавий муносабатларни тушуниб етиши лозим. Бу борада ота-оналарнинг роли катта. Айниқса, эрта никоҳнинг олдини олиш ва оилавий ажримлар масаласи ёшларнинг ўзигагина боғлиқ эмас. Агар ота-она, маҳалла ва бевосита масалага масъул ташкилотлар ҳамжиҳатликда, бамаслаҳат иш олиб борса, ҳар қандай муаммонинг олдини олиш мумкин.

Ҳўш, бу борада тадбир қатнашчилари қандай фикрда? Шу савол билан уларга мурожаат қилдик.

Ҳайратбек УРАЙИМОВ, Марҳамат туманидаги “Ойбек” маҳалла фуқаролар йиғини раиси:

— Маҳалладаги яраштириш комиссияси бу борада бизнинг энг яқин суянчимиз. Ҳар ойнинг охириги шаббасида маҳалладаги маънавий муҳит, ёшларни оилага тайёрлаш бўйича амалга ошириладиган ишлар ва ажримларнинг олдини олиш масалалари фаоллар иштирокида қўриб чиқилади. Балогоғат ёшига етмаган ёшларнинг турмуш қураётгани билан боғлиқ ҳолат аниқланса, зудлик билан ҳар икки томоннинг оила аъзолари билан маслаҳатлашамиз. Керак бўлса, тегишли идораларга ҳам чиқамиз.

Айрим оилавий келишмовчиликлар ФХДЁ бўлимига ёки судгача етиб бормади, уларни имкон қадар ана шундай бамаслаҳатлик билан ҳал қиламиз. Лекин баъзи ота-оналар тарғибот ишларига қарамай, фарзандларининг бахтига тўғанок бўлиб қолишади. Айниқса, гоҳида ўз фарзандларининг оиласини мустаҳкамлаш ўрнига бирон асоссиз жанжалларга сабабчи бўлишади. Айнан ана шундай оилалар билан алоҳида иш олиб борамиз.

Равшаноӣ РАҲИМОВА, Андижон туманидаги “Ю.Мамажонов” маҳалласи маслаҳатчиси:

— Қўп йиллардан буён маҳаллада ишлайман. Ҳар бир оила менга таниш. Оиланинг мустаҳкамлиги қўп жиҳатдан қайноналарга боғлиқ десам, ҳато бўлмайди. Чунки куёв билан ҳам, келин билан ҳам қайнона доим муносабатда бўлади. Агар уларга тўғри йўл кўрсатиб, ҳатоларини юмшоқлик билан тузатишга қўмақлашсак, оила бахтли бўлади.



Ҳақимжон МУЛЛАЖОНОВ, меҳнат фаҳрииси:

— Ҳар бир ота-она фарзандининг бахтли бўлишини истайди. Бироқ биргина истакнинг ўзи етарли эмас. Ёшлардан оилавий масъулиятни, уни ҳақом қилиш хиссини шакллантиришнинг унутмаслигини зарур. Қиз болага унинг одоб-ахлоқи ҳақида гапирганда, йигитларга оилада эркак кишининг ўрни ва масъулиятини ҳам тушутириб бориш бахтли оиланинг асоси деб биламан. Энг муҳими, куёв ва келин танлашда адашмаслик.

Фикрлар турлича. Уларнинг ҳеч бири ни инкор этиб бўлмайди. Барчаси ҳаёт хулосаларига асосланган. Агар жойларда масъулият билан ишласак, эътиборсизлик сабаб юзага келиши мумкин бўлган қўнғилсизликларнинг олдини оламиз. Зеро, фарзандларимизнинг бахти ва оилаларининг мустаҳкамлиги жамият таракқиётига хизмат қилади.

Ақбаржон НАЗАРОВ, «Adolat» муҳбири